

Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Ўзбекистон халк шоири Икбол МИРЗО билан сухбат

— Президентимизнинг якиндагина матбуотда эълон килинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўгрисида”ги карори адабиётимиз учун улкан воеа бўлди. Шубҳасиз, юртимиз раҳбари томонидан ижодкорларга нисбатан бундай юксак эътибор хар бир каламкаш зиммасига катта масъулият хам юклайди. Шундай эмасми?

— Бир мевазор bog яратиш учун минг ёки ўн минг кўчатиб кўйишнинг ўзи кифоя эмас. Уста бобонлар таъбири билан айтганда, нихол кўкартиришнинг бирламчи мезони — соз ер танлаш. Шу маънода, неча мингийлликлардан бери сайкал топиб келаётган ўзбек адабиёти бугунги ижод ахли учун багри кенг, баракали, унумли заминдир. Бугун хеч ким янги ер очиб, алохида bog барпо этаётгани йўқ, лекин ўзбек адабиёти деб аталмиш улкан ва забардаст дарахтзорга баҳоли кудрат нихол кўшаяпти. Бизнинг ишимиз эса, Навоий, Оғаҳий, Чўлпону Кодирийлардан мерос колган бу муazzзам bogни асрар, имконимиз даражасида кенгайтириш, уни бачки кўчатлар босиб кетишидан эҳтиётлаш, энг мухими, ўзимиздан кейингиларга бус-бутун холда етказишидир.

Давлатимиз раҳбарининг бу борада килаётган гамхўрликларининг юксак намунаси сифатида “Ижод” фонди юзага келди. Бугун кўпчилик “осмондан ёғилган чалпак” деб тушуниб турган бу фонднинг асосий максади — ўша улкан bogни янада чаманзорга айлантириш, унга зиён-захмат етишига йўл кўймаслиkdir. Ижодкор адабиётдан наф кутадиган бўлса, адашади. Аксинча, бир адиб сифатида ўзбек адабиётига нима бердим, шу гўзал сўз бўстони мендан нима наф кўрди, дея ўйлаган каламкаш адабиётимиз учун кадрли бўлади. Сиз айтаётган масъулият эса, ўзбек адабиётига ўзини дахлдор билган хар бир ижодкорнинг аввало ўз калбининг тарбиясидан бошланади. Яъни курби келса — нихол кўкартиради, курби келмаса — хеч йўқ bogни пайхон килмайди.

— Албатта, карордан келиб чикадиган вазифаларнинг микёси нихоятда кенг. Бу борада дастлабки кадамлар айникса мухим. Сиз бу жараённинг кай тарзда кечишини истар эдингиз?

— Истак-ҳохишлар хамиша бисёр бўлади. Аммо уларнинг амалга ошганигина бизни коникитиради. Демокчиманки, агар карорда ёш ижодкорларни топиш, тарбиялаш керак, дейилган бўлса, бу — гуррос-гуррос ўспиринларни бир хонага жамлаб кўйиш дегани эмас. Аксинча, ўша хавасмандлар ичидан хатли-саводлисини, адабиётга ростмана меҳр кўйганини, сўзнинг орка-ўнгини танийдиганини танлаш-сараплаш дегани. Ёки истеъодод сохибларини кадрлаш лозим дейилса, буни чинакам талантлар четда колиб, учар-устомонлар майдонга чикиши деб тушунмаслик керак. Президентимиз Ёзувчилар уюшмаси самарадорлигини ошириш юзасидан килган мурожаатида “Ўзбек адабиёти учун Мухаммад Юсуфдек шоирлар керак. Сўз, ижод ва, нихоят, юрт кадрини баралла куйлай оладиган янги овозлар зарур”, деган мазмундаги фикрни ўртага ташлаганди. Хали у жойда, хали бу жойда мингир-мингир килиб шеър ўкиб юрганлар эмас, Ватан шаънини, элнинг дарду кувончини баланд пардада, юксак бадиий маҳорат билан айта оладиган

ижодкорлар ўзбек адабиёти учун кўпроқ наф келтиради. Саволингизга кайтсак, бундай тушунчаларни ўйлаб кўрмайтган, ўзини панага олаётган ижодкор бугун хам, эртага хам адабиётимиз учун кайгурмайди. Бу жараёнда ана шулардан пархез килмок зарур.

— Президентимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласидаги мулоҳазалардан келиб чикиб Ёзувчилар уюшмасининг Низомига хам янги тахрирлар киритилди. Мазкур янгиланишлар хусусида хам маълумот бериб ўтсангиз.

— Аввало, бир нарсага эътибор бердим. Ёзувчилар уюшмасининг янги тахрирдаги Низоми тасдикланган сана Навоий бобомизнинг таваллуд кунларига тўгри келди. Буни бошланаётган хайрли ишларнинг истикболига муштарак ишора деб билдим.

Янги тахрирдаги Низомга кўра, Ёзувчилар уюшмасининг олий органи — беш йил муддатда камида бир маротаба чакириладиган, Конференция деб белгиланди.

Конференция уюшманинг узок ва якин келажакдаги барча иш режаларини тасдиклайди, зарур холларда уюшма фаолиятига оид меъёрий хужжатларга ўзгартиш ва кўшимчалар киритади, уюшма марказий аппаратига оид бошка мухим ташкилий ишларни бошкаради. Агар уюшма аъзоларининг камида тўртдан бир кисми ёзма мурожаат килган холларда

Фаоллар кенгаши, Уюшма раиси ва Назорат комиссияси карорига мувофик Конференция навбатдан ташкари хам чакирилиши мумкин. Шунингдек, Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш талблари хам Низомда аник-равshan кўрсатиб ўтилди. Унга кўра, уюшма аъзолигига тавсия этилган номзод учун уч нафар (камида 10 йил уюшма аъзоси бўлган) ижодкорлар тавсиянома бериши лозим. Тавсияноманинг бири номзоднинг ижодий фаолиятига тавсифнома, иккинчиси — номзоднинг асосий асарларига холислик билан ёзилган такриз шаклида бўлади. Шунингдек, уюшманинг худудий бўлимлари (вилоятларда яшаб ижод килувчилар учун) ёки уюшма ижодий кенгаши (Тошкент шахрида яшаб ижод килувчилар учун) такдимномаси хам илова килинади. берилган.

Кўриниб турибдики, энди номзодларни шунчаки макташ билан уюшмага кабул килинмайди. Бу хам уюшма фаолиятини ошириш, ўзбек адабиётини сифатли, савияли асарлар бойитиш учун замин бўлади.

Ушбу Низом билан тўлик ва якиндан танишиш ниятида бўлган ижодкорлар бевосита менга мурожаат килишлари хам мумкин. Уларда тугилган турли саволларга жавоб беришга хамиша тайёрмиз.

— Юкорида тилга олинган вазифалардан келиб чиккан холда, ёш ижодкорлар билан ишлашда, уларнинг истеъдодини рўёбга чикаришда яна нималарга кўпроқ ахамият бериш лозим деб хисоблайсиз?

— Устоз шоир Гафур Гуломнинг “Истеъдодларга ёрдам беришимиз керак, талантсизлар ўзи ёриб чикаверади” деган машхур ибораси бор. Каранг, шу бир оғиз лутфда истеъдод сохиби накадар ардоклангану истеъдодсиз одамнинг сурбетлиги канчалик фош этилган. Чиндан хам истеъдодли одамни юзага чикариш бирмунча мушкул. Чунки улар ўз хаддини биладиган, давраларда ийманиброк турадиган тоифа. Хадеганда мана мен деб ёнингизга келавермайди хам. Аммо устозлар бир жойда “йилт” этган учкун кўрса, шуни дархол илгашга, ўша митти шуълани алангага айлантиришга ўзларини масъул сезиши

керак. Истеъдод тарбияси — фалон китоб дўконига борсанг китобларим сотилаяпти, ўшани ўқисанг шоир бўлиб кетасан, дегани эмас. Адабиётга мухаббати бор ёш калбни майда майллар ва бемаъни худбинникка етаклаган устоз хам устоз хисобланмайди. Вилоятларга сафар килган чогимда, бир даста шеърини кўлимга бериб, “Фикрингизни билмокчийдим” деган камтар-камсукум болалар орасидан бугун пойтахтдаги мушоираларда кўкрак кериб шеър ўкиётган унча-мунча йигит-кизлардан истеъдодлирок ёшлар чикаяпти.

“Ижод” фондида кўзда тутилган ёш каламкашларнинг ilk китобларини нашрга тайёрлаш айни пайтда кизгин тусга кирди. Ёзувчилар ўюшмасига элликка якин кўлёзмалар келиб тушди. Галдаги иш уларнинг ичидан энг муносибларини танлаш ва холис баҳо беришдир. Мен нима учун бу жараённи эсладим. Эллик, борингки юз нафар ёш истеъдод орасидан ўн нафарини танлаб олсак, бу колганларга ўзини ўзи баҳолашга ёрдам беради.

Фикримнинг хулосаси шуки, ёш талантлар тарбиясида бизга бугун Шайхзода домланинг, Каххор домланинг, Миртемир домланинг мактаблари аскотади. Ана шундай мактаблар яралсагина, ўзбек адабиётининг бугунидан хам, эртасидан хам кўнглимиз тўк бўлади.

“Ёшлик” журнали учун